

TATU XABARLARI

BECTHIK TUIT - TUIT BULLETIN

ISSN 2010-9857



O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari
va kommunikatsiyalarni rivojlantirish vazirligi
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

Министерство по развитию информационных
технологий и коммуникаций Республики
Узбекистан Ташкентский университет
информационных технологий

Ministry for development of information technologies
and communications of the Republic of Uzbekistan
Tashkent University of Information Technologies

3(51)/2019

Toshkent

УДК 004.272.34

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИ ТАНИШ АЛГОРИТМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Хужаяров И.Ш, Очилов М.М

Ушбу маколада ўзбек тили нутқ товушларини таниш усулларидан бири келтирилган. Биринчи босқичда нутқ сигналларини частота соҳасида қайта ишлаш асосида спектrogramma тасвирлари ҳосил қилинган. Иккинчи босқичда ҳосил қилинган спектrogramma тасвирларини дастлабки қайта ишлаш асосида параметрлаш ва улар асосида нутқ товушларини бир-бири билан солиштиришнинг корреляцион таҳлил амалга оширилган.

Таянч иборалар: нутқни таниш, фрейм, дискрет косинус алмаштириш, спектrogramma, тасвир, корреляцион солиштириш.

В данной статье описан один из способов распознавания слов узбекского языка. На первом этапе была создана спектrogramma речевого сигнала на основе обработки в частотной области. На втором этапе была выполнена параметризация на спектrogramme и проведен корреляционный анализ с использованием сравнения речевых звуков.

Ключевые слова: распознавание речи, фрейм, дискретное косинусное преобразование, спектrogramma, изображение, корреляционное сравнение.

This article outlines the algorithm for speech recognition. The article outlines the stages of the speech spectrogram image. The speech spectrum image is the richest parameter that characterizes speech. High accuracy can be achieved by recognizing the speech in other ways by processing the resulting spectrogram image.

Today, many speech recognition algorithms use the speech spectrogram. An important aspect of familiarity with the speech spectrogram is the transition from one-dimensional signal to two-dimensional. The main parameters characterizing the speech during the transition are separated using spectral transformation methods. As the basic parameters, the main tone frequency serves as a form.

There are many effective ways to get to knowing speech, and most commonly, this speech is familiar to them through the processing of the spectrogram image. We have already mentioned the familiar ways of using point-to-speech sound, speeches of the speech spectrogram, and the steps to reproduce the image.

The article discusses the topics of modern speech recognition algorithms, initial processing methods for speech signals, algorithm of speech spectrogram image generation, stages of spectrum image processing (filtration, site allocation,

correlation comparison). Any speech (word or phrase) consists of small phonemes (letters or combination of letters). Given this fact, this article considers the most commonly used phonemes in the Uzbek language, namely, the development of six vowel letters.

Keywords: speech recognition, frame, discrete cosine transform, spectrogram, image, correlation comparison.

I. КИРИШ

Ҳозирги кунда нутқ сигналларини автоматик таниб олиш масалалари жуда муҳим муаммолардан биридир. Нутқ сигналларини таниш масалалари замонавий ахборот технологиялари, телекоммуникация ва рақамли алоқа тизимлари, IP-телефония ва видеоконференция, ақилли уй лойиҳалари, бир суткада минглаб чақирувларга автоматик режимда жавоб берувчи автоответчиклар (мисол учун call центрлар, авиабилетларни сотиш тизимлари), саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда имконияти чекланган инсонлар учун овозли бўйруқ бериш орқали техникани бошқариш соҳаларидаги масалаларни ечишда қўлланилмоқда.

Нутқ товушини танишни жуда кўп самарали усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг оммалашгани бу нутқ спектограмма тасвирини қайта ишлаш орқали уни таниш хисобланади [3-17]. Мақолада нутқ товушини таниш усуллари, нутқ спектограмма тасвирини ҳосил қилиш босқичлари, ҳосил қилинган тасвирини қайта ишлаш қадамлари ҳақида тўхталиб ўтганмиз.

Ҳар қандай нутқ товуши (сўз ёки гап) албатта кичик фонема (ҳарф ёки ва ҳарф бирикмаси) дан ташкил топган. Шуни инобатга олиб, ушбу мақолада ўзбек тилида мавжуд сўзларда энг кўп учрайдиган фонемалар яъни, олтига уни ҳарфларни танишга мўлжалланган алгоритм ишлаб чиқиши кўриб ўтганмиз.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

Нутқ сигналларини автоматик таниш бўйича изланишлар ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланиб то ҳозиргача интенсив равишда давом этиб келмоқда. Ҳозиргача олинган натижалар, яъни яратилган усул ва алгоритмлар, реал шароитларда ишловчи нутқни таниш тизимларида (HTT) етарлича самарадорлик кўрстакичларига эга эмас. Шундай экан HTTнинг самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш учун турли нутқ сигналларини таниб олиш усулларини биргаликда қўллаш мақсаддага мувофиқ саналади [1,5].

Бугунги кунда бир қанча нутқ сигналларини таниш усуллари мавжуд бўлиб, қўйида уларнинг бир нечта асосий синфларига статистик таҳлил асосидаги усуллар (яширин Марков моделлари) [5,7,13], спектрал соҳада сигнал элементларини қайта ишлаш усуллари (Фурье-таҳлил, Вейвлет-

тахлил) [6], нейрон тармоқлариға асосланған усуллар (ўз-ўзини ўқитиш ва такомиллаштирувчи алгоритмлар ва усуллар) киради [11].

Бундан күриниб турибиди, юқорида келтирилген биттә синф усуллари асосида яхши самарадорликни берувчи НТТни яратиб бўлмайди. Шунинг учун бугунги кунда нуткни сигналларини таниш масалаларида юқорида келтирилган усуллар синфини биргаликда қўллаш асосида олинган натижалариға интелектуал ишлов бериш НТТнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширади [6].

Нутқ сигналларини қайта ишлаш – бу нутқ сигналлари устида фильтрлаш, кодлаш, фойдали ахборотларни ажратиб олиш, сиқиши ва тиклаш алгоритмларини амалга оширувчи фан соҳасидир. Нутқни қайта ишлаш ва таниб олиш тизимлари қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- фильтрлаш ва шовқинларни камайтириш;
- сигналдаги ахборотли қисмларни сегментлаштириш;
- ахборотли параметрларни аниқлаш;
- таниб олиш.

Хар бир нутқ сигналларини қайта ишлаш масалаларини фақат муайян усуллар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Қўлланилиш соҳасига кўра ишлов бериш усуллари З та соҳага ажратилади: частотали, вақт ва частота-вақт соҳалари [1].

Вақт соҳасида ишлов бериш усуллари сигналидан характерли нұқталарни аниқлайди. Аниқланған характерли нұқталар нутқ сигналларини тахлил қилиш учун ишлатилади.

Характерли нұқталар сифатида сигналнинг максимум (минимум) қийматлари ва вақт ўқини кесиб ўтиш моментлари киради. Вақт соҳасида ишлов бериш усулларининг асосий камчилиги сифатида қўйидагиларни келтириш күмкин:

- кўп сондаги параметрлар билан ишлаш қийинчилиги;
- олинган параметрлардан керакли ва ишончли бўлганларини ажратишнинг нокулайлиги;
- танишда ва синфлаштиришда алгоритмларнинг аниқлигини пастлиги.

Частота-вақт (спектрал) соҳасида сигналларни қайта ишлаш вақт соҳасида учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш билан бирга бизга қўйидаги масалаларни ечишда ёрдам беради [6]:

- сигнални кичик бўлак фреймларга ажратиш ва ҳар бир бўлакни алохида қайта ишлаш;
- спектрал ишлов бериш соҳаси сигналлар устида бажариладиган мураккаб алгоритмлар синфини кенгайтиради ва уларда қўлланиладиган сонли усуллар, бир вақтнинг ўзида бир нечта амалларни (фильтрлаш, сиқиши) бажариш имкониятини тақдим этади;

– сегментлаш натижасида ҳар бир бўлак учун маълумотлар устида параллел равишда қўллаш имкониятини яратилиши.

Кўйида нутқ сигналларни спектрал соҳада қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинган спектограмма тасвирини нутқни таниш масаласида қўлланишини кўриб ўтамиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек нутқни танишда бир нечта алгоритмлар ишлатилиди. Шулар орасида энг самарали усулларидан бири бу нутқ спектrogramma тасвирини ҳосил қилиш ва таҳлил қилиш асосида спектограммани таниш ҳисобланади. Ҳозирги кунда яратилаётган нутқни таниш алгоритмларнинг аксарияти нутқ спектrogramma тасвирини қайта ишлашга асосланган. Нутқ спектrogramma тасвири уни энг яхши тавсифлайдиган восита ҳисобланади [8-18].

Шу ўринда нутқ спектrogramma тасвирини танлашдан асосий мақсадларни келтириб ўтадиган бўлсак, улар куйидагилар:

– нутқ спектrogrammани тасвири сигнал кўринишдан кулайроқ. Бунинг натижасида икки ўлчамли сигналларни қайта ишлаш усулларидан ҳам бемалол фойдалансак бўлади;


– нутқ спектrogramma тасвири ҳосил қилиш орқали масалани тасвиirlarни таниш масаласига айлантиришга эришилади;

– спектrogramma тасвирини тескари алгоритм ёрдамида яна товушга ўзгартира олиш имконияти;

– спектrogramma тасвири ёрдамида асосий параметрик кўрсаткичлар (асосий, биринчи ва иккичи форманталар жойлашуви) ни аниқлаш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар.

Нутқ товушини спектрал анализ қилишда спектrogramma тасвирини таҳлил қилиш самарали усуллардан бири ҳисобланади. Тасвир ёрдамида нафақат нутқни таниш ва шу билан бир қаторда сўзловчи ҳақида кўплаб маълумотларни олишимиз мумкин бўлади. Масалан сўзловчининг жинсини, ёшини ва ҳаттоқи эммоционал ҳолатини ҳам аниқлашимиз мумкин [7].

Кўйида нутқ товуши спектrogrammasini ҳосил қилиш алгоритми келтирилган. Унга кўра нутқ спектrogrammasini ҳосил қилиш кўйидаги босқичларда амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Нутқ спектrogrammasini ҳосил қилиш босқичлари

Юқоридаги 1-расмни күриб ўтадыган бўлсак, кирувчи сигнал бир нечта алмаштиришлардан ўтиб спектрограмма тасвири ҳосил қилинади.

Илк босқичлардан бири сифатида кирувчи сигнални бўлакларга бўлиш келтирилган. Бунда сигналнинг хусусиятидан келиб чиқиши керак, одатда фрейм узунлиги этиб $N=256$ қийматлар танланади. Ҳар бир бўлак алоҳида алоҳида ойнадан ўтказилади. Ойна сифатида Hemming ойнаси танланган бўлиб, у сигнални фильтрлайди ва ундаги узилишларни йўқотишга олиб келади. Hemming ойнасини куйидаги (1) формула орқали ифодалашимиз мумкин.

$$H(n) = 0.56 + 0.46 * \cos\left(\frac{2\pi n}{N}\right), \quad n=1..N \quad (1)$$

Hemming ойнасидан ўтказилганидан сўнг ҳар бир сигналнинг бўлаги учун спектрал коэффициентлар аниқланади. Одатда Дискрет Фуре Алмаштириш (ДФА), Тезкор Фуре Алмаштириш (ТФА) ёки Дискрет Косинус Алмаштириш (ДКА)лар орқали спектрал коэффициентлар аниқланади [2,3]. Биз ДКАдан фойдалнганимиз ва у (2) formulada келтирилган.

$$Y(x) = w(n) * \sum_{n=1}^N x(n) * \frac{\cos \pi(2n-1)(k-1)}{2N}, \quad k = 1..N \quad (2)$$

Бу ерда: $w(n) = \begin{cases} \frac{1}{\sqrt{N}}, & k = 1 \\ \sqrt{\frac{2}{N}}, & 2 \leq k \leq N \end{cases}$


Ҳар бир Hemming ойнасидан ўтган фрейм, ДКА орқали частота соҳасида ёйлади, яъни спектрал коэффициентлар аниқланади. Олинган коэффициентлар орқали спектрограмма тасвири ҳосил қилинади. Тасвири ҳосил қилиш бир мунча қийинчилик талаб қиласди. Яъни биз топган ҳар бир бўлакдаги коэффициентлар 0 дан 255 оралиқса келтирилади. Бу эса кулранг тасвири қиймати сифатида қаралади.

Мисол сифатида биз бир нечта сўзларни спектрограммасини ҳосил қилиб кўрганимиз. Улар қўйидаги кўринишда ҳосил бўлди. (2-расм).

Спектрограмма тасвир $256 \times M$ ўлчамда бўлади. Бу ерда M бўлаклар сони. Спектрограмма тасвирининг i - устунига i - бўлак қийматлари тўғри келади.

Бу тасвиrlардан кўришимиз мумкинки, турли хил сўзнинг спектрограммаси ҳам турлича бўлади. Мисолларимизда талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўзлар танланган, Лекин шунга қарамасдан уларнинг кўриниши бир-биридан фарқланади.

“Камалак” ва “камола” сўзларининг спектрограмма тасвирига эътибор берадиган бўлсак, “ка” бўгини бир-бирига ўхшайди, “машина” ва “малика” сўзларида эса “ма” бўгини, “сана” ва “чана” сўзларида эса “на” бўгини бир-бирига мос келмоқда.



2-расм. Нутқ спектрограмма тасвири

Лекин бошқа қисмлари бир-биридан фарқ қилмоқда. Нутқ товуши спектрограммаси гап эгасига боғлиқ равишда фарқ қилиб боради. Мисол учун ёш болаларда бошқача бўлса, аёлларда бошқача бўлади. Лекин тасвирида кўриниб турган *rīk* (чўққи) лар унчалик фарқ қилмайди. Аммо унинг ёрқинлиги (сон қиймати) паст ёки баланд бўлиши мумкин.

Энди ҳосил бўлган спектрограмма тасвири ёрдамида нутқ товушини таниш масаласини кўрадиган бўлсак, спектрограмма тасвирини таҳлил қилишни турли хил алгоритмлари мавжуд. Масалан олинганд спектрограмма тасвирида форманталар жойлашуви, форманаталар орадидаги масофа, асосий форманталар учрайдиган частота ва бошқа кўрсаткичлар аникланиб шулар ёрдамида таниш амалга оширилган. Биз тақдим қилган алгоритм фақат ўзбек тилидаги унли ҳарфлар учун мўлжалланган. Кўйида ўзбек тилидаги олтита унли ҳарфларни спектрограмма тасвирини таҳлил қилиш орқали улар бир-бирларига қанчалик ўхшашлигини кўриб ўтамиз.


Нутқ сигналланини спектрограмма тасвири ёрдамида таниш бир неча қадамларда амалга оширилади. Уларни кетма-кет кўриб ўтамиз.

1-қадам. Юқорида таърифланган дастур ёрдамида олтита унли ҳарфлар ‘а’, ‘е’, ‘и’, ‘о’, ‘ү’, ‘ӯ’ ларнинг спектрограмма тасвирини ҳосил қилиб олдик. Кўйидаги расмда олтита унли ҳарфлар кетма-кет икки мартадан тақорорлаб талаффуз қилиниб уларни спектрограмма тасвири келтирилган:




2-расм. Бу кадамда тасвириңи күләнгә күринишдан иккىлик бинар яйни оқ кора күриништеги көлтирилады да тасвириңи бир неча усулларда фильтрланады. Сүнгра күндәнди тасвириңи бүләді.

3-расм. Харфлар спектрограмма тасвири



4-расм. Фильтрлаштардан сүнг хосил бүлгелен спектрограмма тасвири

3-кадам. Хосил бүлгелен тасвириңи биз олжита унни харфларнинг спектрограмма тасвириңи хосил килишни күрдик. Ҳар бир харфлар алдохидан холда ушбу кадамлартаң ўтказылиши керак. Мисол сифатида иккита унни харфлар «а» да «э» харфларни спектрограмма тасвириңи хосил кигитмиз. Улар күндәгича:



5-расм. «а» ва «э» ҳарфларининг спектрограмма тасвири

Энди биз ушбу иккита унли ҳарфларни бир-бирдан фарқлашни кўриб ўтамиз. Бу учун биз корреляция формуласидан фойдаланамиз. У куйидаги формулада келтирилган.

$$f_{xy} = \left| \frac{\sum_i (x_i - M_x)(y_i - M_y)}{\sqrt{\sum_i (x_i - M_x)^2} * \sqrt{\sum_i (y_i - M_y)^2}} \right| \quad (3)$$

Бу ерда X ва Y иккита кирувчи вектор бўлиб улар тасвирдан қандай олинади деган савол туғилади. Бунинг учун биз тасвирни кўйидаги кўринишда бўлакларга бўлиб чиқамиз. Бизга маълумки спектрограмма тасвири бўйи 256 пиксел бўлади. Лекин тасвирдан кўришимиз мумкин унинг вертикал бўйича 1-128 пикселларида қийматлар йўқ шунинг учун уларни ташлаб юборамиз ва қолган 129-256 пикселлар 8 пиксел интервал билан бўлакларга бўлинib чиқилади. Ҳар бўлакдаги қора нуқталар сони аниқланади бу эса кирувчи X ва Y векторларни қийматлари бўлиб хизмат қиласи.

Мисол учун:

$$X=[0,0,43,108,18,0,37,98,35,10,215,264,264,241,231,150]$$

$$Y=[0,105,256,254,274,261,242,278,274,295,169,12,198,312,321,152]$$

Бу ерда X векторда мос равиша 0 129-136, 0 137-144, 43 145-151, 108 152-159 пикселлар оралиғидаги қора нуқталар сони.

Ушбу алгоритм асосида олтита унли ҳарфларни бир-биридан ва ўзинг иккинчи маротаба талафуз қилингани билан солиштириш орқали куйидаги 1-жадвални қўлга киритдик.

1-жадвал

Үнли харфларни ўшашлик күрсөгүччүрүү					
Харф	A	E	I	O	U
A	9.9%	61%	25%	64%	56%
E	42%	9.2%	68%	31%	34%
I	13%	71%	16%	7%	32%
O	72%	48%	10%	63%	63%
U	62%	45%	12%	77%	81%
Үнкү	81%	48%	19%	80%	84%

Жадвалдан шуну күришимиз мумкинки, инсон талаффуз күлганды 100% олдин талаффуз күптанидек бўлмайди. Мисол учун «а» харфини оладиган бўлсак ўшашлик 93% ни ташкил килади. Бу солиштириш натижаси жихагидан «а» харфи эканлигини күрсатиши билан бир категориа бошқа харфлардан атрофигча фарқ килишини ифодалайди. Масалан: «у» талаффузи «о» товушига ўшаш бўлиб, уларнинг ўшашлик даражаси 63% ташкил этади.

III. ХУЛОСА

Хулоса килиб шуну айтишимиз мумкинки, нутк товушини таниша унинг спектрограмма тасвиридан фойдаланган жолда таниб олиш энг кутай воситалардан бирни деб карашимиз мумкин. Чунки спектрограмма тасвирилари нутк товушини частота-вакт соҳасидаги ифодалайди хамда бошқа нутки таниш усуулларига нисбатан белгилар тўпламига бой саналади, ушбу белгиларни ажратаб олиш учун тасвириарни таниш усуулларидан фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- [1] А.И.Солонина, Д.А.Улохович и др. Основы цифровой обработки сигналов: Курс лекций. Изд. 2-е исправ. и перераб. СПб.: БХВ – Петербург, 2005. - 768с.
- [2] Nicholas W.D. Evans, John S.Mason and Matt J.Roach, “Noise Compensation using Spectrogram Morphological Filtering”, Speech and Image Research Group, Department of Electrical and Electronic Engineering University of Wales Swansea, UK.
- [3] Rohini R. Mergu Dr.Shantanu K. Dixit. Multi-Resolution Speech Specification. International Journal of Computer Applications (0975 – 8887) Volume 15– No.4, February 2011.
- [4] Хужаяров И.Ш., Очилов М.М.“Нуткни қайта ишлап масалаларини график процессорда амалга ошириш.” International conference on ^{International conference on information-analytical journal TUTU} TUTU Scientific - technical and information-analytical journal №3 (51)

- portance of information technologies in innovative development of real sectors of economy. April 5-6, 2018, Tashkent, Uzbekistan
- [5] Musaev M.M, Raximov M.F, Berdanov U.A. Parallel algorithms for acoustic processing of speech signals. : 2016 IEEE International Conference on Signal and Image Processing (ICSIP). 2017
 - [6] Мусаев М.М. "Современные методы цифровой обработки речевых сигналов". Научно-технический и информационно-аналитический журнал ТУИТ, №.2(42)/2017, 2-13. Тошкент-2017
 - [7] Berdanov U.A. "O'zbek tili nutqining qayta ishlashning korrelyatsion modeli tahlili". TATUning ilmiy-texnika va axborot tahliliy jurnali, №.3(43)/2017, Toshkent-2017-с. 10-18.
 - [8] Al-Darkazali, Mohammed. Image processing methods to segment speech spectrograms for word level recognition. Doctoral thesis (PhD), University of Sussex. 2017.
 - [9] D. Polap, M. Woźniak. Image approach to voice recognition. 2017 IEEE Symposium Series on Computational Intelligence, SSCI 2017 - Proceedings. 2018. pp.1-7.
 - [10] J. M. Borst, "The Use of Spectrograms for Speech Analysis and Synthesis," vol. 4, 1956.
 - [11] B. Pinkowski, "Multiscale fourier descriptors for classifying semivowels in spectrograms," Pattern Recognition, vol. 30, p. 9, 1993.
 - [12] B. Pinkowski, "Principal component analysis of speech spectrogram images," Pattern Recognition, vol. 30, 1997. pp. 777-787.
 - [13] X. Xiong, L. Jinyu, C. Eng Siong, L. Haizhou, and L. Chin-Hui, "A study on hidden Markov model's generalization capability for speech recognition," in Automatic Speech Recognition & Understanding, 2009. ASRU 2009. IEEE Workshop on, 2009, pp. 255-260.
 - [14] W. B. Hussein, "Spectrogram Enhancement by Edge Detection Approach Applied To Bioacoustics Calls Classification," Signal & Image Processing: An International Journal, vol. 3, pp. 1-20, 2012.
 - [15] L. D. Alsteris and K. K. Paliwal, Short-time phase spectrum in speech processing: A review and some experimental results, Digital Signal Process. 17(3) (2007)-pp. 578-616.
 - [16] J. Allen, "Short term spectral analysis, synthesis, and modification by discrete fourier transform," IEEE Transactions on Acoustics, Speech, and Signal Processing, vol. 25, no. 3, , 1977. pp. 235-238.
 - [17] Q. T. Nguyen et al., "Speech classification using sift features on spectrogram images," Vietnam Journal of Computer Science, vol. 3, no. 4, 2016. pp. 247-257.
 - [18] John G. Proakis, Dimitris Manolakis: Digital Signal Processing: Principles, Algorithms and Applications, 4th edition, Pearson, USA, 2006.

INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI		
Neyron tarmog'ida EKG signallarni tasniflashda tasvir formatining ta'siri	Mo'minov B.B., Nasimov R.H., Nasimova N.M., Gadoyboyeva N.S.	2
Nutq tovushlarini tanish algoritmini ishlab chiqish	Xujayarov I.Sh., Ochilov M.M.	18
Ko'p yadroli protsessorlarda signallarning parallel to'lqinli o'zgarishi algoritmlari	Zaynidinov X.N., Xamdamov U.R.	28
"UBIQUITOUS" texnologiyasi yordamida tibbiy signallarni qayta ishlash	Varlamova L.P., Aripova Z.D.	39
MATEMATIK MODELLASHTIRISH VA DASTURLASHI		
G'ovak muhitda gaz filrlash jarayonini tahlil qilish uchun matematik model va sonli algoritmlar	Ravshanov N., Nazirova E.Sh., Aminov S.M.	45
Real gazlarni quvur orqali uzatishning chiziqsiz tenglamalarini yechish uchun sonli usul	Xujayev I.K., Mamataliyev X.A., Ibragimov S.U.	66
O'zgaruvchan kontsentratsiya va zichlikka ega suyuqlik diffuziya jarayonining kanal uzunligi bo'ylab o'zgarishini modellashtirish	Yahshivayev D.S., Xudayqulov S.I., Usmonov A.X.	78
Ko'p qatlamlı muhitda yer osti suvlari geofil'tratsiyasi jarayonlarini matematik modellashtirish (Kitob-Shahrisabz yer osti suvlari konlari misolida)	Djumanov J.X., Egamberdiyev X.S., Yusupov R.A., Ishanxodjayev O.A., Axralov Sh.S.	85
O'zbek tili fonologiyasidagi supersegmental vositalar va ularni avtomatlashtirishning algoritmik asoslari	Aripov M., Norov A.M.	100
Hisoblash MPI-klasterining cheklangan buferli ommaviy xizmat ko'rsatish modeli	Xamdamov U.R.	110
AXBOROT XAVFSIZLIGI		
Algoritmlı avtomatik modellar va tarqatilgan mikroprotsessorlar boshqaruv tizimlari va axborot xavfsizligini yaratish usullari	Kabulov A.V., Boltayev Sh., Muhammadiyev F.R.	120
TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH		
Optimal boshqaruv ob'yekti sifatida o'quv jarayonini matematik modellashtirish	Suvonov O.O., Jurakulov T.T.	134
QISAQACHA ILMUY MA'LUMOTLAR		
Express usulda paxta chigitining namligini o'lchash moslamasi to'g'risida	Xaydarov A.A., Kimizbayeva O.E., Sodiqova Sh.Sh., Sodiqova F.B.	143

	<u>husniddin_m1@bk.ru</u>
Muhammadiyev F.R.	O'zMU, magistranti
Nasimov R.N.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Kompyuter tizimlari" kafedrasi assistenti, <u>rashid.nasimov@gmail.com</u>
Nasimova N.M.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Fizika" kafedrasi assistenti, <u>nigora.nasimova@gmail.com</u>
Nazirova E.Sh.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Multimdia texnologiyalari" kafedrasi mudiri, <u>elmira_nazirova@mail.ru</u>
Norov A.M.	Qarshi davlat universiteti, <u>nam_71@mail.ru</u>
Ochilov M.M.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Kompyuter tizimlari" kafedrasi assistenti, <u>ochilov.mannon@mail.ru</u>
Ravshanov N.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Ilmiy-innovatsion markaz laboratoriya mudiri t.f.d., professor, <u>ravshanzade-09@mail.ru</u>
Suvonov O.O.	Navoiy Davlat pedagogika unstituti "Informatikani o'qitish metodikasi" kafedrasi dotsenti, <u>olimsuvonov54@umail.uz</u>
Sodiqova Sh.Sh.	I.Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti "Axborotni qayta ishlash va boshqarish tizimlari" kafedrasi katta o'qituvchisi, <u>sshakhnoza@yandex.ru</u>
Sodiqova F.B.	I.Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti magistrant, <u>S_Feruza@mail.ru</u>
Usmonov A.X.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Algoritmizatsiya va matematik modellashtirish" kafedrasi assistenti, <u>alishertuit@mail.ru</u>
Xujayarov I.Sh.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU tayanch doktoranti, <u>ilyoskhujayorov@gmail.com</u>
Xamdamov U.R.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU, "Telekommunikatsiyada apparat va dasturiy ta'minotlarni boshqarish tizimi" kafedrasi dotsenti, <u>utkir.hamdamov@mail.ru</u>
Xujayev I.K.	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Ilmiy-innovatsion markaz t.f.d., katta ilmiy xodim, <u>i_k_hujayev@mail.ru</u>
Xudaykulov S.I.	O'zbekiston Respublikasi suv xo'jaligi vazirligi irrigatsiya va suv muammolari ilmiy tadqiqot instituti, t.f.d., yetakchi ilmiy xodim, <u>s.xudaykulov@mail.ru</u>